

**ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДА АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГА  
БЎЛГАН СУРХОН ВОҲАСИНИНГ  
МОДДИЙ МАДАНИЯТИ  
(турар жойлар мисолида)**

**Султонова Суғдиёна Шавкат қизи**

**Термиз давлат университети, тарих факультети талабаси**

**Илмий раҳбар: т.ф.н., доц. Файзуллаева Мавлюда Ҳамзаевна**

Сурхон воҳаси қишлоқлари асосан деҳқончилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида банд бўлганлиги боис, қишлоқ фақат аҳолисининг машғулоти билан эмас, балки ижтимоий-иқтисодий, маданий, табиий- географик ва турмуш тарзи билан ҳам шаҳардан фарқ қилади. Қишлоқ-Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузумидаги энг куйи буғун, қишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий хусусияти аҳолини ердан қай даражада фойдаланиши, жойнинг табиий географик шарт-шароитлари билан боғлиқ. Шу боис турар жойлар ҳам шунга қараб жойлашган.

Сурхон воҳасининг ўзбек ва тожиклари сингари ўғил уйлантиришдан олдин албатта, ўтов қилиш ва келинни ўтовга тушириб олиш шарт бўлган. Ўтовнинг суяги ва кигизларини ўғил томон, ўтовнинг ички жиҳозларини қиз томон тайёрлаб, ўзи билан бирга олиб келган. Бу жиҳозлар уй сози деб аталган. Янги оилага қилинган уйнинг кигизлари оқ ёки оқиш жунлардан тайёрланган ва ташқи жиҳозлари ҳам янги бўлганлиги учун уни *оқ уй* (ўтов) деб аташган. Орадан 7-8 йиллар чамаси ўтгандан кейин ўтов кигизлари қорайган, устки жиҳозлари ҳам эскирганлиги учун у *қора уй* номини олган. 10-15 йиллар ўтгандан кейин эса, уни алмаштиришган, бироқ бу сафар уйнинг кигизлари оқ ёки оқиш жундан бўлиши шарт бўлмаган<sup>1</sup>. Демак, оқ уй (ўтов) янги оила кураётганлар учун тайёрланган.

Йигитнинг хотини вафот этиб, иккинчи марта турмушга чиқмаган қизга уйланган тақдирда ҳам уйнинг анжомларини оқ ёки оқиш кигизлардан қилиш мумкин бўлмаган. Куёв бой оиладан бўлиб, у 2 ёки 3 хотинли бўлса, уларнинг ҳар бирига оқ уй (ўтов) тайёрлашган, борди-ю хотинларининг бирортаси вафот этса, ўша ўтовнинг (оқ уй) ёпинчиқлари қора ёки қорамтир кигизлар билан алмаштирилган.

Сурхон воҳаси қўнғиротлари орасида “уйнинг синсин” ёки “уйнинг куйсин” деган иборани ишлатиш жуда оғир ҳақоратлаш бўлиб ҳисобланган. Бунинг маъноси “хотининг ўлсин”, “хотинсиз қолгин” деганидир. “Уйи синибди”

<sup>1</sup> Кичкилов Ҳ., Боқиев А. Ўзбек қўнғиротларининг ўтовлари ва уларнинг жиҳозланиши... – Б. 37-44.

деганда бировнинг хотини ўлганига ишора қилиниши ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган.

Ўтмишда қора уйни тикиш ва бузиб олиш ишларини воҳа ўзбекларида фақат аёллар бажаришган. Эркаклар бунга аралашмаган. Уйнинг суягини йиғиб боғлаш, жиҳозларини (узук, турлик ва бошқа нарсаларини) йиғиб олиб тенглаш ишларининг ҳаммасини аёллар бажаришган. Буларнинг барчасини тайёрлаш (уй суягидан ташқари) ҳам аёллар иши бўлган. Эркаклар фақат уйнинг кигизларини билаклаб пишитиб беришни бажаришган, холос<sup>2</sup>.

Худди ярим ўтроқ кўчманчи ўзбекларининг ҳаммасида бўлгани каби Хомкон қишлоғида ҳам қора уй, одатда, жанубга қаратиб тикилган. Бунинг сабаби, биринчидан, ғарб томондан бўлган изғиринли ёғингарчилик ва шарқ томондан эсган қирқма шамоллар уйнинг эшигига тўғри урмаслиги ҳисобга олинган, иккинчидан, қуёшнинг шарқдан ғарбга ботиши, яъни тонг отгандан кун ботгунча уйнинг ичига ёруғлик бир хил тушиб туриши ҳисобга олинган. Учинчидан эса, мусулмонларда қиблага қаратиб оёқ узатмаслик ёки оёғини қиблага қаратиб ухламаслик ҳам ҳисобга олингандир.

Қора уйнинг эшигидан кираверишда ўртароқда ердан қазилган ўчоқ бўлган. Ўчоқнинг юқори қисми доирасимон бўлган ва ўчоқнинг уй бўсағасига қараган томонидан ўтин солишга қулай бўлиши учун чўзинчок қилиб ўйилган чуқури бўлган, у ханак деб аталган.

Уйга киришда унинг ўнг томонида (ирғада) уй-рўзғор буюмлари, яъни турли хил идиш-товоклар, қозон-қасқонлар, дастурхон, меш ва тулуплар, ун ва турли хил нарсалар солиб қўйиладиган халта ва халтачалар, гуппа (куби) ҳамда егулик нарсалар турган. Уйнинг кираверишдаги чап томонида бўсағага яқин жойда от еми (арпа) солинган шолдан йўл-йўл қилиб тўқилган қоп, қопнинг устида ёки ёнида отнинг эгар-жабдуғи бўлган, керага қулоқларига хуржун, от тўрва, юган ва эчки қилидан эшилган арқон ва ола чижим (арқоннинг кичиги)лар илиб қўйилган. Хуржун ва от тўрвалар ҳам шолдан йўл-йўл қилиб тўқилган.

Уйнинг тўрига напрамач ва бўғжомалар қўйилган. Унинг устига кўрпа ва кўрпачалар йиғилган. Напрамач қадимда сандиқ вазифасини бажариб, олд томони қалин гилам (холи гилам)дай қилиб, ён ва орқа томонлари тақир гиламдай қилиб тўқилган, сандиқ шаклида бўлган. Напрамачнинг баландлиги 60-70 см ли эни 50-55 см ва узунлиги бир метрлар чамасида бўлиб, оғзининг айланасига эшилган жун ипдан илгаклар қилинган, кўтаришга қулай бўлиши учун напрамачнинг орқа ва олд томонидаги илгаклардан узунлиги 1 м 20 см ли таёқчалар ўтказиб қўйилган. Напрамач нарсалар билан тўлдирилгач, оғзидаги

<sup>2</sup> Дала ёзувлари. Бойсун тумани Хомкон қишлоғи. 2010 й.

илгаклардан ип ўтказиб маҳкамланган, унинг устига буғжамага ўралган буғча (букча) қўйилиб сўнгра юк (жук) йиғилган. Воҳанинг қўнғирот уруғлари „напрамач“ деб, карлуқлар эса уни „мапрач“ деб аташган<sup>3</sup>.

„Буғжома“ бўйи 2,5 м эни 2-2,20 м бўлиб, қўлда тўқилган жун матодан, кейинроқ қизил сатиндан ёки арқови 2 қаватли алвондан бўлган, унинг бир бурчагига учбурчак шаклда ипакдан кашта тикилган. Кийимларни ва кийимлик материалларни буғжомага тахлаб, бурчак қилиб шундай ўралганки, буғжоманинг каштали бурчаги „буғча“нинг олдида бурчак шаклда тушиб турган. Кийимлик матолар ва кийимлар буғжомага солиб ўралгандан кейин у „буғча“га айланган. Буғжоманинг ошлаб ийланган ва бир-бирига қўшиб тикилган бир нечта сарка терисидан (ярғоқдан) тайёрланган варианты ҳам бўлган.

Янги оила учун албатта напрамач ва буғжома қилинган. Бой, ўзига тўқ оилаларда 2-3 та напрамач бўлган. Асосан, напрамачлар Денов ва Бойсун бозорларидан сотиб олинган. Йиғилган юкнинг ўнг томонида шолдан сачоқлаб қилинган ва кашталаб тўқилган „ойна-халта“ осиглиқ турган. „Ойна халта“ деб аталишига сабаб у ойнага ўхшатиб, туртбурчак қилиб, айланаси эшик рамкасига ўхшатиб кашталаб тайёрланганлигидадир.

Қора уйнинг ёки ўтовнинг кираверишдаги чап томонида эркаклар, ўнг томонида асосан аёллар ўтиришган. Бундан кўринадики, аёллар уй-рўзғор буюмлари, озиқ-овқатлар, идиш-товоқлар жойлаштирилган ўнг томонда ўтиришган. Бу анъана Хомкон қишлоғида ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда<sup>4</sup>.

Келин тушган ўтовнинг тўрига чимилдик тутишган, келин-куёвлар кечаси чимилдиққа кириб ётишган ва 40 кун чилла даврида чимилдиқнинг ичига бегоналарнинг кириши мумкин бўлмаган.

Шу ўринда чорвачилик билан машғул бўлган тоғ қишлоғи ҳисобланган Хомконда яшовчи аҳолининг келин-куёвга атаб тайёрлаган тўшамчи - *ҳасалли пўстак*ни таърифласак.

Шуни айтиш керакки, *ҳасалли пўстак* келиннинг онаси томонидан тайёрланиб, икки ёшнинг висол кечасида тўшалган. Кайвони аёллар томонидан келин-куёвнинг шу муқаддас тўшак устида қилган ширин орзуларининг рўёбга чиқиши учун дуолар қилинган. Шу нуқтаи назардан қараганда *ҳасалли пўстак* аслида асалли пўстак маъносини англатган ва икки ёшнинг асал ойига ишора бўлган.

<sup>3</sup> Кичкилов Ҳ., Боқиев А. Ўзбек қўнғиротларининг ўтовлари ва уларнинг жиҳозланиши... – Б. 37-44.

<sup>4</sup> Дала ёзувлари. Бойсун тумани Хомкон қишлоғи. 2010 й.

Кўп асрлик ривожланиш йўлини босиб ўтган ўзбек халқининг турли-туман ҳунарлари ўзига хос қадимий анъаналарига эга бўлиб, Марказий Осиёда хусусан, ҳунармандчилиги ривожланган ўлкалардан бири ҳисобланган Сурхон воҳасида ҳам авлоддан-авлодга, устоздан шогирдга мерос тарзида ўтиб, ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, халқимизнинг этник тарихини ўрганиш, моддий ва маънавий меросимизни тиклаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида аҳамиятга эга бўлган Сурхон воҳасининг моддий маданияти, жумладан, турар жойларининг илмий таҳлил этилиши ватанимиз тарихини кўп минг йиллик даврга тенглигини исботлаб беради.

